O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 18 январь, № 14 (4167) Пайшанба

*Бувайда туманидаги "Яккатол-Файз" фермер хўжалигининг 85 гектар ери бор. Шунинг 40 гектарида ғалла, 45 гектарида эса пахта етиштирилади. Ўтган йил фермер хўжалиги учун омадли якунланди.*

## Фермерга муносиб туҳфа

Барча агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани боис 60 центнердан ғалла, 33 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олинди.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиги аъзолари айни кунларда қишки тадбирларни ҳам оби-тобида олиб боришмоқда. Хусусан, мавжуд техника воситалари сифатли таъмирдан чиқарилди.

Яқинда вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси "Яккатол-Файз"ни эришган ютуқлар учун "ТТЗ-100" русумли трактор билан тақдирлади. Табиийки, ушбу техника воситаси фермер хўжалиги юмушларини янада енгиллатишга хизмат қилади.



**СУРАТДА: фермер хўжалиги механизатори Анваржон Салимов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Мусобақа

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Умид» болалар спорт мажмуасида «Ҳарбий аёллар спартакиадаси» ўтказилди.*

## Барчинойлар беллашди

Унда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида фаолият юритаётган хотин-қизлар спортнинг стол тенниси, волейбол ҳамда енгил атлетика турлари бўйича беллашишди.

— Бизнинг волейбол жамоамиз бу каби баҳсларда аввал ҳам қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган, — дейди мусобақа иштирокчиси, ИИВ Тиббиёт бошқармаси ходими Х.Умарова. — Касбдошларинг билан спортда ўз жамоанг шарафини ҳимоя қилиш мароқли, албатта.

Беллашув майдонида хотин-қизлар ўз касбининг устаси бўлиш билан бир қаторда, ташаббускор, фаол ва моҳир спортчи эканликларини ҳам намоён этдилар. Натижаларга кўра, волейбол бўйича биринчи ўрин Мудофаа вазирлиги, иккинчи ўрин «Ватанпарвар» ташкилоти, учинчи ўрин эса ИИВ жамоаси аъзоларига насиб этди. Эстафета баҳсларида «Ватанпарвар» ташкилоти жамоаси шоҳсупага кўтарилди. Мудофаа вазирлиги жамоаси иккинчи, ИИВ жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, стол тенниси бўйича Д.Муротова («Ватанпарвар»), Т.Хоназарова (ИИВ) ва Р.Ортиқова (ИИВ)лар совриндорлар сафидан жой олишди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

***Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.***

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 17 январь куни бўлиб ўтган мажлисида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида"ги иш кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси тартибида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Конституциявий суднинг 2006 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди. Конституциявий суднинг фаолияти таҳлил қилиниб, 2007 йилнинг биринчи ярмига белгиланган тадбирлар тасдиқланди ва конституциявий ишларни юритишни янада такомиллаштириш чоралари белгиланди.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида

*Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим таркибий қисми саналган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қайд этиш лозимки, босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилингани жамиятимиз ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди.

Нега деганда, ушбу Қонун қабул қилингач, аввало, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди.

Бугунги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республика судлари томонидан 2000 йилда озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий судланганларнинг 47,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб умумий судланганларнинг 28,7 фоизигагина озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

**(Давоми 2-бетда).**

## МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

*Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Ўзбек ва озарбойжон халқлари ўртасидаги қардошлик ришталари ҳам тарихан узоқ асрларга бориб тақалади. Халқларимизнинг дини бир, анъана ва урф-одатлари эса бир-бирига яқин.

### Ўзбекистон — умумий уйимиз

Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган озарбойжон миллати вакиллари ҳам барча юртдошларимиз қатори, Ватанимиз равнақига муносиб улуш қўшишдек олижаноб мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

— Биз Самарқандни она шаҳримиз, Ўзбекистонни эса ягона Ватанимиз, деб биламиз, — дейди вилоят озарбойжон миллий маданий маркази раҳбари Гамад Аҳмедов. — Айни пайтда ўз тилимиз, урф-одатларимизни ривожлантиришимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилаётганидан ғоят мамнунмиз.

Марказда иш қизғин, одамлар гавжум. Бу ерда оқсоқоллар ва хотин-қизлар кенгашлари, ёшлар гуруҳи иш олиб бормоқда. Марказ ҳузуридаги "Севинч" ашула ва рақс ансамбли вилоят ҳамда мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб келаётир.

**Ғ. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, қурилиш индустрияси корхоналарининг минерал хомашё базасини яратиш ва кенгайтириш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Нодир ва камёб ер металлари, агрокимё ва конруда хомашёси, қурилиш материаллари, ер ости чучук ва минерал сувларининг захиралари кўпайиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, саноат аҳамиятига эга бўлган минерал-хомашё базаси етарли суръатларда ривожланмаяпти. Айрим потенциал рудали ҳудудлар суст ўрганилмоқда. Геология-қидирув ишлари давомида илм-фанга асосланган технологиялар етарлича қўлланилмаяпти, илмий-тадқиқот салоҳияти анча заифлашган ва асоссиз равишда тарқоқлашган. Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш тузилмаси ва бошқарув усуллари замон талабларига жавоб бермаяпти. Ишларнинг пировард натижаларига қараб эмас, балки физик ҳажмларига қараб баҳо беришдан иборат умрини яшаб бўлган амалиёт ҳамон сақланиб қолмоқда. Кончилик, бурғулаш ва лаборатория асбоб-ускуналарининг ниҳоятда эскирганлиги, шунингдек, махсус приборлар билан яхши жиҳозланмаганлиги қидирув ишларини замонавий усул ва технологиялар асосида ўтказиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Геология-қидирув ишларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш, уларни фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга, илм-фанга асосланган технологияларни жадал татбиқ этишга йўналтириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар геология тармоғини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

энг аввало углеводород хомашёси, қимматбаҳо, рангли, нодир металлар ва уранни, шунингдек ер ости чучук ва минерал сувларни қидириш ҳамда разведка қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган геология-қидирув ишларининг ташкилий тузилмасини, бошқарув ва прогноз қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

ер қаъридан самарали фойдаланиш ва минерал хомашё қазиб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар геологик захираларини чуқур таҳлил этиш, уларни прогноз қилишнинг замонавий технологиялари ва илғор усулларини кенг қўллаш асосида геологияга оид ахборотларнинг холислиги ва ҳаққонийлигини ошириш;

геология-қидирув ишлари самарадорлигига баҳо бериш асосида бу ишларни молиялаштириш ҳамда тармоқнинг пировард натижаларига — фойдали қазилмаларнинг саноат захиралари ўсишига қараб рағбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

тармоқ корхоналарини тубдан модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

геология соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг:

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида "Нодир ва рангли металлар геологияси", "Уран ва камёб ер металлари геологияси" ҳамда "Гидроминерал ресурслар геологияси" илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил қилиш;

1-иловага мувофиқ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказлари геология-қидирув ишларининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштирилади ва минерал хомашёнинг стратегик турларини комплекс равишда, тизимли тадқиқ этиш, қидириш, баҳо бериш ва разведка қилиш учун илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўз таркибида бирлаштиради.

Қуйидагилар янги ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истиқболли ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг геологик потенциалини баҳолаш;

геология-қидирув ишларининг замонавий усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ истиқболли майдонлардаги геология ишларини мувофиқлаштириш;

геология-қидирув ишларини ривожлантириш дастурларининг пудрат корхоналари томонидан бажарилишини назорат қилиш, иш услубияти ва йўналишларидаги ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек объектларнинг истиқболли эканлиги тасдиқланмаганида ишларни тўхтатиб туриш ҳақида таклифлар киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 65 кишидан иборат марказий аппарати тузилмаси 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда Қўмитага бўйсунувчи корхоналарни тегишли равишда қайта ташкил этсин, шу жумладан давлат корхоналарининг низомларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Қўмитанинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган геология соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин.

6. 2007-2010 йилларда геология-қидирув ишларига илм-фанга асосланган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни татбиқ этиш Дастури, шунингдек Давлат геология қўмитаси тизимидаги корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари 4, 4а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Дастурда тасдиқланган вазифаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ва уларнинг зарур молиявий манбалар билан мустаҳкамланишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

геология-қидирув ишларининг ўрта муддатли (3 йилгача даврга) ва узоқ муддатли (3 йилдан ортиқ даврга) дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

геология-қидирув ишларининг ҳар йиллик дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда геология-қидирув ишларининг тасдиқланган ўрта ва узоқ муддатли дастурларини амалга ошириш доирасида тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ой муддатда Давлат геология қўмитаси тизими бўйича геология қидирув-ишларининг ҳар йиллик дастурларини шакллантириш . тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Қуйидагилар 2011 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари божхона тўловларидан озод этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили тасдиқлайдиган рўйхатлар бўйича Давлат геология қўмитаси томонидан олиб келинадиган ускуналар ва автотранспорт воситалари, материаллар, шунингдек ускуналар учун эҳтиёт қисмлар;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология қўмитаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган космик суратга олиш материаллари, ускуналар ва уларга ишлов бериш учун дастур таъминоти.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

геология мутахассисликларига нисбатан қўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқиб, мазкур мутахассисликлар бўйича ўқув режалари ва таълим жараёни дастурларини тубдан такомиллаштириш;

факультетларнинг профессор-ўқитувчилар таркибидан геология ва бурғулаш йўналиши бўйича малака ошириш ва малакани ўзгартириш, шунингдек камёб ер металлари геологияси соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш учун кадрларни етакчи хорижий олий ўқув муассасаларига юбориш;

Тошкент вилоятидаги Оқсоқота ва Бурчмулла ихтисослаштирилган ўқув геология полигонларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

геология соҳаси корхоналарининг факультетларни зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлашда ҳомийлик ёрдамини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва 2007-2008 ўқув йили мобайнида амалга оширишни таъминласин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини жорий ҳолати бўйича коммунал инфратузилмаси билан бирга 5-иловага мувофиқ балансга қабул қилсин.

«Ўзбекэнерго» ДАК Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини электр энергия билан таъминлайдиган паст вольтли электр узатиш линияларини жорий ҳолати бўйича ўз балансига олсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 мартдаги 139-сонли қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 январь


## НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА



РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИГА – 15 ЙИЛ

МОЛИЯ БОЗОРИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ
Иқтисодий шарҳ



СИЗГА АТАЛГАН ГУЛЛАР


## ЭШИТДИНГИЗМИ ?

**Яқинда "Soundolier" компанияси ўзининг антиқа "Soundolier Duo" номли электр чироғини ишлаб чиқарди. Ушбу электр чироқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, фойдаланувчи оғзаки буйруқ билан унинг ёруғлигини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, иқтисодий жиноятлар туркумига кирувчи 8 турдаги жиноятни содир этган шахсларга нисбатан, улар томонидан моддий зарар қонунда белгиланган миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилмаслиги белгиланди. Ушбу Қонун қабул қилингандан сўнг ўтган вақт мобайнида содир этилган иқтисодий жиноятлар оқибатида етказилган зарарнинг 33 миллиард сўмдан ортиғи судланганлар томонидан ихтиёрий равишда қопланганi натижасида 9 мингга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан яна бир муҳими – ярашув институтининг жорий этилганлигидир. Айтиш керакки, ушбу институт амалга жорий этилгандан то бугунги кунга қадар 50.066 та жиноят иши бўйича 54.323 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари тугатилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганини яна бир марта тасдиқланди.

Собиқ шўро даврида амалда бўлган Жиноят кодексининг 33 моддасида ўлим жазоси белгиланган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу жазо тури босқичма-босқич қисқартирилиб борилди. 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13, 1998 йилда — 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилиб, 2003 йилда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида ўлим жазоси фақатгина икки тоифадаги, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун қўлланиладиган бўлди.

2008 йилдан бошлаб, Президент Фармонига биноан, мамлакатимизда ўлим жазоси қонунчилигимиздан бутунлай чиқариб ташланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ҳам ислоҳотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аниқроқ айтганда, ушбу тарихий ҳужжат судларнинг тўлиқ мустақилликка эришиши учун, даставвал, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳуқуқий механизм барпо этишда мустаҳкам замин яратади.

Ўз навбатида ушбу тарихий фармонларнинг қабул қилиниши судьялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Шу муносабат билан Президент фармонларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, судьяларга қамоққа олишга санкция бериш, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоларини амалиётда қўллаш юзасидан аниқ тушунтиришлар бериш мақсадида Республика юристлар малакасини ошириш Марказида йил давомида узлуксиз давом этадиган махсус ўқув курси ташкил этилди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий судида ушбу курснинг биринчи тингловчилари — ҳарбий суд, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида семинар машғулоти ўтказилди.

Семинарда Олий суд раиси Б.Мустафаев Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонларига асосан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтиши, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларидан суднинг қарорисиз маҳрум этилмаслиги ёки уларнинг чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, Б.Мустафаев давлатимиз раҳбарининг фармонлари амалиётда ўзининг тўлиқ ифодасини топиши учун биринчи галда судья ва суд ходимларининг билим савияси, дунёқараши ҳамда малакасини ошириш муҳим вазифалардан бири эканлигини қайд этиб ўтди.

Семинарда судьялар муҳокама этилган мавзу юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

**Олий суд матбуот хизмати.**

## Янги замон одамлари

*Янгиқўрғоннинг Қораянтоқ қишлоғида Нўъмонжон Умрзоқов деган тадбиркор яшайди. Ҳамқишлоқлари унга нисбатан сарлавҳадаги иборани жуда кўп ишлатишади. Боиси, Нўъмонжон анча-мунча қийинчиликларни бошидан ўтказганига қарамай, касбини маҳкам ушлади. Узоқ йиллар давомида тўплаган тажрибасидан фойдаланиб, қишлоқда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси қурди.*

# КАСБИГА СОДИҚ ЙИГИТ

Уни яна тадбиркорларнинг кашфиётчиси, деб ҳам аташади. Сабаби, Нўъмонжон ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида собиқ жамоа хўжалигининг ташландиқ дала шийпонида қўлбола ускуналар ўрнатиб, мўъжазгина қайта ишлаш цехи ташкил этганида мулкчиликнинг хусусий шаклида фаолият юритиш ҳали кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаганди. Ўн йилча ўша жойда астойдил меҳнат қилиб, ҳамқишлоқлари томорқасида етиштирилган мева ва сабзавотлардан турли хил қиём, шарбатлар тайёрлади. Цехнинг ишлаб чиқариш қуввати етмай қолганидан сўнг шийпон ва унинг четидаги иссиқхонани сотиб олиб, технологик линияга сал аввалроқ Россиядан келтириб қўйган мева ва сабзавотни тозалаш ҳамда қадоқлаш ускуналарини қўшди. Маҳсулот тури кўпайди.

Эндиликда Н. Умрзоқовнинг «Ибрат» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси довруғи чор-атрофга тарқалган. Унда қишлоқнинг йигирмага яқин ёшлари меҳнат қилишаяпти. Ишлаб чиқариш қуввати ҳам чакки эмас. Бултур мавсум давомида 200 тоннага яқин маҳсулотни қайта ишлашганди, бу йил 500 тоннадан ортиқ хомашё ғамлаб қўйилди.

Тадбиркорнинг ғайрат-шижоатидан, айниқса, қишлоқ аҳли хурсанд. Чунки томорқада етиштираётган деҳқончилик маҳсулотларини сотиш учун бозорга бориб ўтиришмайди. Нўъмонжон анча-мунча оилалар билан шартнома тузган. Мева-сабзавотлар пишиб етилиши билан улов жўнатади, пулини саноқли кунлар ичида ҳисоб-китоб қилади. Иш шу даражага бориб етдики, авваллари томорқасига турли экинлар экиб келган қораянтоқликлар ёппасига помидор етиштиришга ўтишди.

— Бу йил ёзда хусусий корхонага 5600 килограмм помидор сотдим, — дейди Жамолиддин Аҳмедов. — Уни ҳеч бир қийинчиликсиз саранжомлаб олганимизни айтмайсизми?! Пули эса рўзғоримизга барака киритди. Деҳқончилигидан мўмай даромад кўрган Тошмамат Қодиров, Нурилло Турсунов сингари маҳалладошларим ҳам «Ибрат»чилардан хурсанд.

Бултур Янгиқўрғон туманидаги ширкат хўжаликлари тугатилиб, боғ ва токзорлар янги эгалари — фермерлар қўлига ўтди. Ташкилий ишлар давом этаётган палладаёқ Н. Умрзоқовнинг хусусий корхонаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси сифатида асқотди. Фермерларнинг аксарияти ўзлари етиштиражак маҳсулотни сотиш борасида тадбиркор билан шартнома туздилар. Бу орада қайта ишловчилар ўрик ва шафтолидан шарбат ва қиём тайёрлашни ҳам ўзлаштиришди.

— Каттагина ўрикзоримиз бор, — дейди «Саломат» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуджон Қирғизбоев. — Об-ҳаво яхши келгани, қолаверса, қаровини жойига қўйганимиздан мўл ҳосил берди. Саккиз тонна ўрик йиғиб олдик. Баҳорда Нўъмонжон ака билан келишиб қўйгандик, ишчиларини юбориб ҳосилни олиб кетди. Ҳақини ҳам ҳисоб рақамимизга вақтида ўтказиб берди.

Ҳудуддаги мева-сабзавот етиштирувчи фермерлар ҳам харидор аниқ бўлганлиги боис ҳосил тақдиридан сира ташвишланмай меҳнат қилдилар. Хусусий корхона «Эргашбой Юнусов саховати», «Аслиддинбек», «Қобил-Қодир-Жамол», «Ҳайдарали-Жамила-Алишер» сингари фермер хўжаликларининг ҳар биридан 40-50 тоннадан маҳсулот қабул қилиб олди.

Бугун «Ибрат» хусусий корхонасида тайёрланган ёрлиқли бежирим идишлардаги помидор қайласи, ўрик шарбати ва мева-сабзавот тузламаларини нафақат Наманган, балки Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги савдо шохобчаларида ҳам учратиш мумкин. Улар бозор талабларига тўла мослашиб, эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшаётган тадбиркор йигит меҳнатининг маҳсулидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Асқарали МАМАТОВ,**
**журналист.**

# Эл соғлиғи — юрт бойлиги

***Марҳамат тумани соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари туман аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишда самарали ишлар олиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.***



Тумандаги 135 минг аҳолига 23 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та поликлиника, 3 та шифохона ва туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилда тумандаги аҳоли зич яшайдиган қишлоқларда, жумладан, Шўрқақир ва Шўр қишлоқларида 4 минг нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Шунингдек, 3 минг нафар кишига тиббий хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Мазкур тиббиёт маскани ишга туширилиши аҳолига кўплаб қулайликлар яратди.



**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Республикамизда деярли йигирма йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси кўпчиликка яхши таниш.*

# Меҳрнинг чегараси йўқ

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Шабот Хўжаев раҳбарлигидаги мазкур жамғарма аъзолари инсонларнинг ўзаро муносабатлари меҳр-оқибатга асослангандагина жамият янада гўзаллашади, деган шиорга таянган ҳолда иш олиб борадилар.

Куни кеча «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида жамғарманинг Ижтимоий ҳимоя йилидаги илк тадбири бўлиб ўтди. Унда қатор республика газеталари ва «Ўзбекистон матбуоти» журналида меҳнат қилаётган бир гуруҳ журналистларга моддий ёрдам кўрсатилди.

— Юртимизда элу юрт бахт-саодати учун қилинаётган ҳалол меҳнатнинг қадрига етиш, муносиб тақдирлаш, меҳр-оқибат, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий фазилатдир, — деди жамғарма раиси Ш. Хўжаев сўз олиб. — Биз ана шу фазилатларни асраб-авайлаб, сайқал бериб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирмоғимиз лозимки, токи улар ҳам, ўз навбатида, анъанавий қадриятларимизга содиқлик билан умргузаронлик қилсинлар. Зотан, одам боласи ҳамиша меҳрга эҳтиёж сезиб, унга интилиб яшайди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ёшлар — сиёсий ислоҳотлар тарафдори

*Мамлакатимиз ёшларининг сиёсий маданиятини ошириш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади. Бу ўринда сиёсий партияларнинг ёшлар билан фаол муносабатда бўлаётганлигини эътироф этиш лозим. Куни кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — "Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Ёшлар қаноти" бўлими "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш зарурати: сиёсий партиялар ва ёшлар" мувзуида анжуман ўтказди.*

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 8 ноябрда қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис муҳокамасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида ташкиллаштирилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсатшунослар, ЎзЛиДеП "Ёшлар қаноти" етакчилари ва пойтахтимиздаги 29 та олий ўқув юртининг фаол талабалари иштирок этишди.

— Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиялар ёшларда сиёсий онгни оширишда муҳим манбалардан бири саналади, — деди ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Мазкур анжумандан кўзланган мақсад Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини ёшларга кенгроқ тушунтириш, пировардида давлат бошқарувини янада демократлаштиришга доир вазифаларни муҳокама қилишдир.

Анжуманда "Ўзбекистон сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичида", "Сиёсий партиялар манфаатлар ҳимоячиси: халқаро ва миллий амалиёт", "Ўзбекистон қонунчилигида ёшлар манфаати" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Таъкидланганидек, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда.

— Ҳозирда сиёсий тизимда таклиф этилаётган ислоҳотлар, жумладан, қонун лойиҳалари мамлакат тараққиётидаги фавқулодда ҳодиса эмас, — дейди Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори А. Холбеков. — Аксинча, бу Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ва таъсирини ошириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Шундан сўнг ўқилган маърузалар юзасидан тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

— Анжуманда ҳар бир йигит-қизнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ниҳоятда муҳим эканлигини билдим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Қобил Хидиров. — Бундан кейин қонун лойиҳалари, хорижий амалиёт услублари ҳамда кенг самара бераётган сиёсий тамойиллар билан яқиндан танишиб чиқмоқчиман.

Тадбир якунида қонун лойиҳаларини ёшларга тушунтириш юзасидан юртимиздаги барча олий ўқув юртларида, корхоналарда ва маҳаллаларда давра суҳбатларини ташкиллаштиришга келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Бўлди ажаб ҳангомалар

*Ўтган йил кўкламда Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Хўжақия қишлоғида яшовчи фуқаро Равшан Қиличевдан хат келганди. У хатида 2003 йилда ўзи истиқомат қилаётган «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви ва Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фарзандлари Қиличев Сайдилло ва Қиличев Хайруллога томорқа учун 0,15 сотиҳдан ер берилгани, ушбу ерга иморат қурганини, келини Хўжанова Фотима ҳамда ўғли Қиличев Сайдиллога эса иш ҳақи эвазига хўжаликнинг 1958 йилда хом ғиштдан қурилган дала шийпони хусусийлаштириб берилгани, шийпонни уларнинг кўчмас мулки деб топиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори мавжудлиги, лекин бугунга келиб ушбу ерга «Акрам» фермер хўжалиги раҳбари Акрам Абсаматов даъво қилаётгани ҳақида ёзганди. Мактубда келтирилган тушунмовчиликка ойдинлик киритиш мақсадида Шерободга йўл олдик. Шикоят эгаси ва фермер билан учрашдик. Тегишли ҳужжатлар билан танишдик.*

# Иморат бузилди. Ким айбдор?

Ҳақиқатан ҳам, Шеробод туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги ва Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан Равшан Қиличевнинг фарзандлари ва келинига томорқа учун ер ҳамда иш ҳақи эвазига дала шийпони берилган. Дала шийпонини Қиличев Сайдулло ва Хўжанова Фотиманинг кўчмас мулки деб топиш тўғрисида 2004 йилнинг 29 май куни туман ҳокимининг қарори чиққан.

Ушбу иш юзасидан бир неча бор суд жараёнлари бўлиб ўтган. Жумладан, 2004 йилнинг 23 июль куни можаро Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судида кўриб чиқилган ва баҳсли ер «Акрам» фермер хўжалигига қарашли деган ҳал қилув қарори чиқарилган. Ўша йилнинг 30 сентябрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят кассация инстанцияси суди ўз ажрими билан бу қарорни бекор қилган.

Бундан норози бўлган «Акрам» фермер хўжалиги 2005 йилда вилоят Адлия бошқармаси орқали Сурхондарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритган. Лекин даъво қаноатлантирилмаган. Шундан сўнг вилоят прокуратураси вилоят кассация инстанцияси суди ажримига нисбатан протест киритган. Ушбу протест асосида Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсати ишни қайта кўриш учун яна Шерободга юборган. 2005 йилнинг 28 октябрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди баҳсли ер «Акрам» фермер хўжалигига тегишли деган ҳал қилув қарори чиқарган. Ушбу иш юзасидан Қиличевлар билдирган эътирозларни кўриб чиққан Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди ўзининг 2006 йил 4 апрелдаги ажрими билан Шеробод туман судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган. Таъкидлаш жоизки, икки суд ҳам масалага қонуний ёндашган.

Қишлоқдаги одамлар билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ер можароси анча газак отган. Қурилган иморатни бузиш учун бир неча марта суд ижроси департаменти вакиллари келишган. Икки оила ўртасида жанжал бўлган, аччиқ гаплар айтилган. Бугун икки томон ҳам бир-бирига ён босишни, муросага келишни истамайди.

Сафаримизнинг сўнгги куни туман ҳокими қабулида бўлдик. Ҳоким воқеадан хабари борлигини, иложи бўлса, қишлоқ оқсоқоллари, маҳалла фаоллари, жамоатчиликни жалб этган ҳолда икки томон билан ҳам гаплашиб масалани ижобий ҳал этишини билдирди.

Мана, шундан буён орадан салкам етти-саккиз ой вақт ўтди. Бундан бирор ойлар бурун, яъни 2006 йилнинг декабри ўрталарида Равшан ака Қиличев таҳририятга қўнғироқ қилди. Ер масаласи ўша ҳолда қолиб кетгани, суд қарори ижро этилиб, не машаққатлар билан ўғли учун солган иморати бузиб ташланганини айтди.

Ушбу хабарни эшитиб, тўғриси, жуда афсусландик. Равшан аканинг ёши олтмишдан ошди, ногирон. Саккиз нафар фарзанди бор. Бир сўз билан айтганда, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила. Буни қишлоқда бўлганимизда ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари ҳам таъкидлашган эди. Шундай экан, унга ёрдам бериш ўрнига иморатини бузиб ташлашни қандай тушуниш керак. Ахир, Президентимиз, ҳукуматимиз муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, кўмак бериш ҳақида куюниб гапираётган, амалий ишлар қилаётган пайтда наҳотки бир бечорани зор қақшатиш мумкин?

Тўғри, биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Ҳуқуқий давлатда суд қарори сўзсиз бажарилиши керак. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин одамгарчилик, инсоф деган тушунчалар ҳам бор-ку. Кимдир хато қилган бўлса, уни тўғрилаш, тузатиш ҳақида ўйласак яхшироқ бўлмайдими?

Амалдаги қонун ва қоидаларга биноан фуқароларга томорқа учун ер бериш туман ҳокими ваколатига киради. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Майли, ҳуқуқни билмагани учун қишлоқ фуқаролар йиғини ва хўжалик бошқаруви қонунга хилоф қарор қабул қилгандир. Нега уни туман ҳокимлиги тўғриламади? Ёки улар ҳам ўзларининг ҳуқуқларини билишмасмиди? Кимларнингдир масъулиятсизлиги туфайли бугун Равшан Қиличев фарзандларининг не-не машаққат эвазига солган иморати бузиб ташланди. Гапнинг индаллоси, хўжалик бошқаруви, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки туман ҳокимлигида қонунни мукаммал биладиган ҳуқуқшунос бўлмаса, Қиличевлар айбдор эмас-ку.

Хўжалик бошқаруви ёки қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан Равшан аканинг фарзандларига берилган 122-121 контурлардаги дала шийпони, қурилишлар, кўчалар, сарой ва майдонларни «Ўздавлойиҳа» институтининг Сурхондарё бўлими ходимлари индамай фермерларга бериладиган ер майдони лойиҳасига киритиб юборади-ю, ҳокимликдагилар бундан бехабар қолади. Ҳатто «Акрам» фермер хўжалигига берилган ер ва дала шийпонини Қиличев Сайдулло ва Хўжанова Фотиманинг кўчмас мулки деб топиш тўғрисида қарор ҳам чиқаради?! Наҳотки, ҳоким ўзи уч ой олдин имзо чеккан қарордан бехабар бўлса?

Буни қарангки, яқинда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида ҳам худди шундай воқеа содир бўлибди...

1997 йилнинг 15 май куни Даҳбед шаҳарчаси фуқаролар йиғини фойдаланилмайдиган, ташландиқ ерларни бир неча кишига уй-жой қуриш учун бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Ер олувчилар рўйхатида Сухроб Азизов ҳам бор эди. У эски молхона жойлашган ташландиқ ерни эгаллаб иморат солади. 2004 йилнинг 13 январь куни ушбу ер туман ҳокимининг қарори билан «Меҳр ДДТ» фермер хўжалигига берилади. Орадан бир йилу уч ой ўтиб, яъни 2005 йилнинг 27 апрель куни фермерга берилган жойдаги бинолар С. Азизовга тегишлилиги ҳақида туман ҳокимининг яна бир қарори чиқади.

Шундан сўнг, худди Шерободда бўлганидек, суд жараёнлари бошланади. Фермер суддан ўзбошимчалик билан қурилган биноларни бузиш, етказилган зарарни ундириш ва туман ҳокимининг 2005 йил 27 апрель қарорини бекор қилишни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди ўзининг 2006 йил 9 февраль куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида фермер талабини қисман қаноатлантириб, туман ҳокимининг 2005 йил 27 апрель кунги қарорини бекор қилади. Суд ҳал қилув қарорида, шунингдек, қурилган иморат С. Азизов томонидан бузилиши кераклиги ҳам айтилган. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси ўзининг ўша йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлисидаги ажрими билан туман суди қарорини ўзгаришсиз қолдиради.

Яхшилаб эътибор бериб қарасангиз, ҳар иккала воқеада ҳам кимларнингдир масъулиятсизлиги, ўз ишига совуққонлиги туфайли одамлар истиқомат қилаётган жойлар фермерларга бериладиган ерлар харитасига киритиб юборилган. Натижада ортиқча югур-югур, суд жараёнлари бўлиб ўтган. Энг асосийси, бир қишлоқда яшовчи оилалар, қариндош-уруғлар ўртасига низо тушишигача бўлган ҳолатлар келиб чиққан. Бунинг олдини олиши керак бўлган маҳалла-кўй, ҳамқишлоқлар эса четдан кузатувчи бўлиб қараб турибди.

Хўш, юқоридаги икки ҳолатда баҳсли ер майдонини фермер хўжаликлари ҳисобидан чиқариб, уни бу ерда иморат қурган фуқароларга бериш тўғрисида қарор чиқариш мумкинми? Бунинг учун, бизнингча, ўша томорқа учун берилган ер майдонини қонунда белгиланган ҳолатга, яъни 6 сотихга келтириш, кейин эса ўша ердан олинадиган ҳосил миқдорини фермер топшириши лозим бўлган режадан чиқариш керак, холос. Умуман олганда, наҳотки, фермерларга ер ажратишдан олдин қайси контурда аҳвол қанақа эканлигини яхшилаб ўрганиб, кейин масалани ҳал этиш ва қарор чиқариш мумкин эмас? Қачонгача кимларнингдир масъулиятсизлиги жабрини бошқалар тортади?

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш учун Кобулга келди.** Гейтс мамлакат президенти Ҳамид Карзай ва бошқа бир қатор расмийлар билан толибларга қарши кураш масаласини муҳокама қилмоқда. Ўтган йили Афғонистондаги терактлар оқибатида 4 минг нафарга яқин одам ҳалок бўлди. Уларнинг қарийб ярми тинч аҳоли вакилларидир.



**Бағдоддаги университетлардан бирида портлаш рўй берди. Сўнгги маълумотларга кўра, мазкур террорчилик хуружи 70 кишининг ҳаётига зомин бўлди.** Қурбон бўлганларнинг аксарияти талабалардир. Ўша пайтда мамлакат пойтахтининг бошқа ҳудудида ҳам теракт содир этилди. Отишмалар ва портлаш оқибатида 25 киши ўлди. БМТ маълумотларига кўра, 2006 йилда Ироқда 34 мингдан ортиқ тинч аҳоли ҳалок бўлган.



**Россия ҳукумати мамлакатда террорчилик хуружи рўй бериши мумкинлигидан огоҳлантирди.** Россия миллий аксилтерроризм қўмитаси метро ёки жамоат транспортида теракт содир этилиши мумкинлиги тўғрисида хориждаги ҳамкорларидан маълумот олган. Айни пайтда Москвада ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида хавфсизлик чоралари кучайтирилган.



**Исроил армияси раҳбари истеъфога чиқди.** Ҳозир мамлакатда ўтган йил ёз ойида Ливаннинг «Ҳизбаллоҳ» гуруҳига қарши олиб борилган уруш юзасидан текширувлар кетмоқда. Армия бош штаби раҳбари генерал-лейтенант Дан Халус мазкур текширув туфайли истеъфога чиқди. 34 кун давом этган уруш чоғида мамлакат армиясининг ғалабага эришмагани исроилликларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаяпти.



**Покистон авиацияси Жанубий Вазиристон ҳудудидаги жангарилар лагерини бомбардимон қилди.** Армия матбуот хизмати вакили ҳаво ҳужуми пайтида кўплаб жангарилар яширинишга улгуришганини, шунга қарамай 30 нафарга яқин террорчи ўлдирилганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, жангарилар жойлашган ҳудуд аниқлангандан сўнг махсус ҳарбий амалиёт бошланган.



**Россия муҳожирларни қабул қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради.** Жаҳон банкининг яқинда эълон қилинган ҳисоботида айтилишича, мамлакат иқтисодиёти меҳнат миграцияси туфайли катта фойда кўрмоқда.



**Россия Эронга 6 километр баландликда бир йўла икки нишонни уриб тушира оладиган «Топ-М1» ракета мажмуасини етказиб беришни якунлади.** Бу ҳақда Россия Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Сергей Иванов маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, мазкур ҳамкорлик БМТ томонидан Эронга қўлланилган резолюция шартларини бузмайди. Иванов бундан кейин ҳам Эрон билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ривожлантирилишини билдирди.



**Шимолий Королина штати Апелляцион суди гувоҳлик бераётганда Библиядан ташқари Қуръони Карим ва бошқа диний китобларга ҳам қасамёд қабул қилишга рухсат берди.** 2005 йилда Сидии Матин ва Фуқаролар озодлиги учун Америка иттифоқи мазкур масалада судга мурожаат қилган эди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# Равшан Эрматов МДҲ кубогини бошқаради

*Жорий йилнинг 20-28 январь кунлари Москвада футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Янги мавсум олдидан футболчилар учун ўзига хос ўқув-машғулот вазифасини ўтайдиган мазкур мусобақада «Пахтакор» жамоаси мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.*



РФС расмий сайти анъанавий турнирни бошқарадиган ҳакамлар рўйхатини эълон қилди. Аҳамиятлиси, улар орасида ҳамюртимиз — ФИФА ҳаками Равшан Эрматов бош ҳакамлар рўйхатида қайд этилган.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР,
ИШБИЛАРМОНУ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ»
ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

сиз азизларга маъқул келадиган шартларда марказий идора биносида Европа усулида таъмирланган бўш хоналарни ижарага беради.

Бунда фаолиятингиз турига қараб, ишларни юритишингиз учун барча шароитлар мавжуд.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 мавзеси. М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй.**
**Мўлжал: 82, 85, 131-автобусларнинг «Мебеллар дўкони» бекати.**
**Телефонлар: 399-80-25, 399-80-31. Факс: 399-80-26.**

*Эслатма:* аҳолига тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи ташкилотларга ижара нархлари имтиёзли тарзда белгиланади.

## Молия муассасаларида

*Мамлакатимизнинг йирик молия муассасаларидан бири — Халқ банки фаолиятида мижозлар манфаати устувор бўлиб, улар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилмоқда. Айниқса, ўтган 2006 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш натижасида Халқ банки нуфузи янада ортиб, мижозларнинг унга бўлган ишончи мустаҳкамланди.Бугунги кунда унинг 3 мингга яқин филиали, мини банки, шохобча ва махсус кассалари хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар учун тўлиқ пакетли банк хизматлари кўрсатаётгани шундан далолат беради.*

*Халқ банки:*

# МИЖОЗ МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР

Муҳими, амалга оширилган тадбирлар ва олиб борилган изланишлар туфайли ўтган даврда банк капитали салкам 5,0 млрд. сўм ошиб, жами 21,0 млрд. сўмни ташкил этди.Банк активлари эса 51,1 млрд. сўмга кўпайиб, 170,0 млрд. сўмга етди. Активларни жойлаштиришда эса банк раҳбарияти иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, шунингдек, уларни юқори ликвидли даромад келтирувчи сармояларга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратаётир.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш, хусусан, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, 2006 йилда банк кассаларига кирим қилинган нақд пул маблағлари қарийб 800,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан салкам 300,0 млрд. сўм кўп. Ушбу йўналишда савдо ва коммунал тўловлари тушумларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги ПҚ-147-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, бултур 364,0 млрд. сўм миқдорида биринчи даражали ва ижтимоий тўловлар, жумладан, 277,8 млрд. сўм нафақа, 50,9 млрд. сўм пенсия ҳамда бюджет ташкилотларининг 35,1 млрд.сўм иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши таъминланди. Бунда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган нафақа ва ёрдам пулларини банкнинг "Сайёр" кассалари орқали тарқатилиши йўлга қўйилгани мижозларга қулайликлар яратдики, улар ушбу усул ўзларига маъқул эканлигини таъкидламоқдалар.

### Депозит сиёсати

Банк раҳбарияти томонидан, шунингдек, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банк депозитларига жалб қилиш ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, ўтган даврда омонатчилар учун жозибали ва



юқори даромадли "Матонат", "Маҳалла фидойилари", "Фарзанд келажаги", "Мустақил ҳаёт", "Даромад манбаи", "Баҳор", "Ҳамкор", "Айём", "Ташаббус", "Оила манфаати", "Тадбир", "Имкон", "Самара" ва "Фурсат" каби омонат турлари амалиётга жорий этилиб, мазкур омонатлардан ҳар ойда ҳамда омонат очилган куннинг ўзида олдиндан фоиз даромадларини бериш йўлга қўйилди. Натижада қўшимча равишда 20 млрд. сўмдан ортиқ аҳоли бўш пул маблағлари, шу жумладан, Халқ банкига ишонч билдирган фуқароларнинг 15,0 млрд. сўмга яқин нақд пул кўринишидаги маблағлари банк депозитларига жалб қилинди.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра эса, банк филиалларидаги омонат қолдиғи 64,0 млрд. сўмни ташкил этди.Бошқача айтганда, ҳисобот йили давомида қарийб 14 млрд. сўмга яқин маблағ банкнинг амалдаги омонат турларига қабул қилинди. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган "Матонат", халқимизнинг ҳақиқий фидойилари учун мўлжалланган "Маҳалла фидойилари" омонатлари ва бир миллион сўм ютуқ соҳиби бўлиш имконини берувчи бошқа омонатларга мижозларнинг қизиқишлари жуда катта бўлди.

Айни чоғда юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш банк депозит сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга ишончли мижозларнинг 30,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағларини йўналтиришга эришилди.

### Кичик бизнес, фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватланмоқда

Банк филиаллари ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурслар ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар, айниқса, кичик бизнес намояндалари ҳамда истеъмол бозорини кредитлашга ҳам катта аҳамият бермоқда. Бунинг натижасида йил давомида банк кредит портфели 34,4 млрд. сўмга ортиб, қарийб 60,0 млрд.сўмни ташкил қилди. Шундан 18,9 млрд. сўми қисқа муддатли ва 41,1 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар улушига тўғри келади. Ажратилган кредитлар эвазига эса 5 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу билан маҳаллий ёшларни иш билан таъминлашга замин яратилди.

Фақат шугина эмас. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун 12,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу маблағнинг салкам 5,0 млрд. сўми микрокредитлардир.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар, ернинг ҳақиқий эгалари бўлган фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини кенгайтириш мақсадида 3,0 млрд. сўмлик миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилди. Ўз навбатида, 10 мингга яқин фермер хўжаликларига пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 50,0 млрд. сўмга яқин



миқдорда имтиёзли кредитлар ҳам берилди.

### Имконият ва имтиёзлар

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан уларга бир қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилган. Жумладан, ҳисобот даврида аҳолига узоқ муддат фойдаланадиган жиҳозлар сотиб олиш учун 23,5 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бунда асосий устуворлик Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни харид қилишга қаратилди. Халқ банкида, айниқса, ишлаб чиқарувчилар, савдо ташкилотлари ва истеъмолчиларнинг тегишли миқдордаги омонат маблағлари кафолатлари асосида бериладиган "Комфорт-люкс" ва "Оила фаровонлиги" истеъмол кредитларининг амалиётга татбиқ этилганлиги мижозларга маъқул тушмоқда.

Ҳозирги кунда эса банк мижозлари ҳатто савдо шохобчалари ичида фаолият кўрсатаётган мини банклар орқали узоқ муддат фойдаланиладиган 20 хилдан ортиқ истеъмол буюмларини имтиёзли кредит ҳисобига олиш имкониятига эгадир. Қувончлиси, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган банкнинг бу туркумдаги беминнат хизматларидан фойдаланаётган мижозларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли қарори талабларига асосан эса, банк филиаллари томонидан 5,2 млрд. сўм, шу жумладан, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 1,6 млрд. сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 3,6 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар қорамоллар харид қилиш учун ажратилди. Шу билан бирга, 47 нафар аёл тадбиркорга 315,7 млн. сўм, асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ва хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган хўжаликларга 456 млн. сўм, 3 353 нафар кам таъминланган аёлга 2,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

### Пластик карточка – ҳамма учун қулай

Банкда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам янада жадаллаштирилмоқда. Хусусан, муомалага 62893 та пластик карточка чиқарилди. Бу режага нисбатан 7384 та кўпдир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда Халқ банкининг пластик карточкалари соҳиблари ойлик маошлари ҳисобидан олдиндан "Овердрафт" кредитларини олиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Бундан ташқари, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жойларда жами 871 та, шу жумладан, 222 та банк муассасаси, 649 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхонасида терминал ўрнатилиб, улар орқали мижозларга хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Халқ банки филиаллари томонидан эса, фермер хўжаликларига айлантириладиган ширкат хўжаликлари ҳудудларида қўшимча равишда 31 та мини банк очилди. Бу эса, ўз навбатида, 2000 та деҳқон ва фермер хўжалигига банк хизматларини кўрсатиш имконини берди.

Умуман, бугунги кунда банкнинг 214 та мини банки мавжуд бўлиб, уларда барча тоифадаги мижозлар учун намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

### Қонуннинг асосий ижрочиси

Маълумки, Халқ банки «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий ижрочиси ҳисобланади. Шу мақсадда янги тизимни ташкил этиш, иштирокчиларга жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш, фуқароларни шахсий ҳисобварақларига пенсия бадалларини киритиш, банк филиаллари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мақсад ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тўлақонли етказиш каби вазифалар ижросини таъминлаб келмоқда.

Ўтган даврда, шунингдек, банк республика Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг моҳияти ҳамда афзалликлари юзасидан кўплаб давра суҳбатлари, тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга оширди. Бунда, табиийки, тизимнинг мақсад ва моҳияти, ушбу тизимда фуқароларнинг ихтиёрий равишда фаол иштирок этишлари борасидаги тарғиботларга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ банки жамоаси ана шу эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида барча фуқароларнинг ишончини қозониш йўлида астойдил ҳаракат қилаверади.

**И.ЎТБОСАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ёзувчилар уюшмаси янги бинога жойлашгандан кейин биринчи бор кенг доирада тадбир ўтказди. Унда таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Гулистон» журнали бош муҳаррири Азим Суюннинг «Ватан фасллари» шеърий китоби тақдимоти бўлиб ўтди.*




# Шеърият билан мулоқот

Уюшманинг ёруғ, замонавий усулда қурилган анжуманлар зали ҳар бир иштирокчининг кўнглида эзгу туйғулар уйғотди.

«Ватан фасллари» тўпламининг гурунгини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошлаб берди. Ижодкорлар етакчиси мазкур китобда чоп этилган шеърий асарларда муаллифнинг ўзига хос услуби, халқона назар ярқ этиб турганлигини таъкидлади. Шундан сўнг таниқли мунаққидлар, шоирлар, публицистлар Азим Суюннинг ўн бешинчи китобида диққатга сазовор жиҳатлар хусусида, мустақиллик ва Ватан туйғусининг поэтик ифодаси қай тариқа намоён бўлгани тўғрисида сўз юритишди.

«Ватан фасллари» муаллиф ижодига хос юксак самимият, халқона оҳанг, жўшқин туйғулар мавжи билан гўзал кўриниш касб этган. Китобдан жой олган «Ўзбек давлати» достони истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик солномасини ўзига хос тарзда тараннум этади. Севги-муҳаббат ҳақидаги шеърлари эса ифорли, оҳорли, инжа, латофатли ташбеҳларга бой.

**Нарзулла ҲАМРОЕВ.**

*Навоий шаҳри аҳолисига сифатли ва арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришда "Саховат" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бозорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.*

# «САХОВАТ» БОЗОРЛАРИ

— Бозор расталарида асосан деҳқонларнинг ўзи савдо қилади, — дейди жамият раиси Карим Муқимов. — Биз улар билан шартнома асосида ишлаймиз. Шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиб турамиз. Шу боис, ҳар ой маҳаллий бюджетга 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказяпмиз.

Мазкур жамиятга қарашли "Марказий" ва "Гулистон" деҳқон бозорлари, шунингдек, тижорат буюм бозори, мол бозорида сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Ўтган йили улар томонидан аҳолига 200 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган бўлса, шунинг 50 фоизи маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

хизмат бланкалари, китоблари ва ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

*Таклифлар эълон чиққандан сўнг 20 кун давомида қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй.**
**Телефон: 120-76-00,**
**ички телефон: 26-05.**

Учрашув

*Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир уни бойлик билан ўлчаса, кимдир соғлиқ билан, яна кимдир эса...*

*— Менинг бу борада ўз қарашларим бор, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова. — Инсоннинг қачон бахти тўкис бўлади, ўтаётган ҳар кунига шукроналар қилиб яшаганида. Демак, бахт учун ўзимиз курашишимиз, шукрона қилиб яшашни билишимиз керак. Бежизга "Торга тор дунё, кенгга — кенг дунё", деб айтишмаган.*



# Бахти балққан тақдир

Сиз Азизахонимни яхши танийсиз. Чақмоқ кўзлари, маъноли қарашлари, ўзига хос овозини эшитишингиз билан, беихтиёр бу — Чечаку! дейсиз. Тўғри, Чеча — унинг илк роли эмас, бироқ Азизахоним ушбу роли билан ҳар бир ўзбек хонадонининг қадрдонига айланди гўё. Унга қадар она, сингил образлари билан бир қаторда гоҳ «фолбин», гоҳ «ғийбатчи»га айланди. Лекин у, қандай роль ижро этмасин, томошабиннинг меҳрини қозона олди.

Азизахонимнинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари талайгина. Тилидан шукроналик тушмайди. Ўзи ишлайдиган Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида улуғ инсонларнинг қадами теккан гўшада меҳнат қилаётганидан ғурурланади.

— Ўлмаган қул пешонасида борини кўради, деган мақолни кўп эшитганман, — дейдилар опа. — Ўтган умр йўлларимни сарҳисоб қилганимда бунга яна бир бор амин бўламан.

... Азизахоннинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Бир неча фарзандини ерга қўйган Қурбоной бирин-кетин уч қиз — Зулфия, Рўзихол ва Орзихолли бўлди. Қишлоқнинг каттаю кичик эркаклари урушга кетган. Турмуш оғирлигиданми, очарчилик сабаблими, ҳар қалай, икки қиз — Рўзихол ва Орзихол Деновдаги болалар уйига топширилади. Икки-уч ёшли қизалоқдан исмини сўрашганда балки қўнғироқча қилиб "Арзи" деб айтганми, ҳарқалай ҳужжатларга "Аззи" деб ёзилиб қолган. Кўп ўтмай тақдир тақозоси сабаб опа-сингил икки томонга айрилишган. Опасини қаердаги болалар уйига олиб кетишган, буни Азизахон билмайди. Ўзи — Орзихол, яъни Азиза (ҳужжатларда ҳамон Аззи ёзилган) тўлиқсиз ўрта мактабни Деновда тугаллаб, Термиздаги педагогика билим юртига юборилади.

— Дунёда яхши одамлар кўп, — хотирлайдилар опа. — Ўтган асрнинг олтмишинчи йилида билим юртини тугалладим. Болтажон ака деган устозим менга Тошкентга бориб ўқишни тавсия этди ва барча ҳужжатларни тайёрлаб берди. Омадни қарангки, университет талабаси бўлдим. Ўша куни илк бор етимлигим, болалар уйидан ўзга ошёним йўқлиги билинди. Негаки, талабаликка қабул қилинганлар қувончини баҳам кўриш учун уй-уйларига кетишди. Ётоқхонада ёлғиз қолдим.

Тўғри, унинг ҳам қувончига шерик бўлгудек дўстлари кўп эди. Бироқ, улар узоқда, болалар уйида. Сурхонга бориш учун на пули, на имконияти бор эди. Тасодифни қарангки, ўша куни Тошкент кўчаларини яёв кезаётиб билим юртидаги таҳсилдоши Соҳибани учратиб қолади. У пойтахтда Театр ва рассомчилик санъати институти борлиги ва унга ҳужжат қабул қилинаётганини айтиб, Азизани ўша ерга бошлайди. Ҳар икки қиз Тошхўжа Хўжаевнинг назарига тушади ва синовлардан муваффақиятли ўтиб институтга қабул қилинади. Ўқитувчиликдан кўра артист бўлиш иштиёқи кучлилик қилиб, ҳужжатларини университетдан қайтариб олиб келади.

Азиза учун талабалик йиллари оғир кечди. Ҳар ой стипендияни кутиб яшарди. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлиши рост экан. Азиза тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, ўзига топширилган катта-кичик ролларни меҳр билан ижро этиши туфайли устозлар назарига тушди. Институтни битиргач, Ёш томошабинлар театрига қабул қилинди. Жуссаси кичик, қотмагина бўлгани учунми ёки устозлари иқтидорига ишонганлари учунми, ҳар қалай унга «Тошкент — нон шаҳри» спектаклидаги ўғил бола — Серёжа ролини беришди. Азиза мазкур роли сабаб олтмишинчи йилларнинг охирларида "Энг яхши роль ижрочиси" деб эътироф этилди.

— Бундан ўттиз саккиз йил муқаддам Ҳамза театри янги биноға кўчиб ўтиб, бу ерда ёшлар театри ташкил этилди. Биз уч киши — мен, Тўғон Режаматов, Ширин Азизова ушбу театрга таклиф этилдик.

Азиза опанинг мижжаларида ёш кўраман.

— Бугун мазкур театрда дастлаб иш бошлаган санъаткорларнинг аксарияти орамизда йўқ...

**— Сиз ҳақингиздаги "Ҳаёт давом этади" кўрсатувини кўргандим. Жигарларингиз билан топишганингиз мухлисларингиз қатори мени ҳам ҳаяжонлантирганди...**

— Биласизми, онам ва жигарларимнинг топилишида ҳам устозим Болтавой аканинг роллари катта бўлган. Аслида мен қариндош-уруғларим борлигидан умидимни узгандим. Негаки, ўтган йиллар давомида мени ҳеч ким йўқлаб келмаган эди-да. Онам раҳматли Рўзихол момо ва жигарларим мени қидиришаётгани ҳақида Сурхондарё вилоят газетасида хабар босилган. Ушбу хабар устозимни қизиқтириб қолган. Хуллас, орадан эллик йилдан зиёд вақт ўтиб жигарларим топилди. Менинг барча ҳавас қилса арзийдиган оилам, бир-бирида ширин фарзандларимни кўриб онамнинг қувонганлари ҳамон кўз олдимда.

Деновдаги болалар уйи тарбияланувчиси Аззи Бегматова бугун уч фарзанднинг онаси, беш набиранинг севимли бувижониси, ўзбек халқининг севимли санъаткори — Ўзбекистон халқ артисти!

— Инсоннинг нимагадир эришишида оиланинг ўрни беқиёс, — дейдилар опа. — Негаки, менга Аллоҳ олижаноб инсон — Тўлқин ака билан умргузаронлик қилиш бахтини насиб этди. У киши бир умр мени қўллаб-қувватлаб, суянч тоғим бўлиб келяптилар. Мен бахтибекам аёл, бахтли актрисаман. Яна бир бахтим Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев билан бирга ишлаётганим. У киши саҳналаштирган "Чеча" спектаклида Чеча образини талқин этганим бўлди. Ана шу ролим орқали мен Ўзимни топдим. Нокамтарлик бўлмасину, ушбу асар қарийб ўн йилдан буён саҳнадан тушгани йўқ. Ҳар гал саҳнага Чеча бўлиб чиққанимда гўё Сурхон сайхонликлари, бағрикенг одамлари, меҳрга зор бўлган болалигим, миллий қадрият саналган урф-одатларимизни ҳис этаман.

**— Сиз комик актёр сифатида танилдингиз. Айтайлик, сизга жиддий роль беришса, худди Чеча сингари қойилмақом қилиб ижро эта оласизми?**

— Уриниб кўрардим. Негаки, ўзини ҳурмат қилган актёр томошабинни ҳам ҳурмат қилиши шарт. "Фалон ролни зўр ижро этганди; буниси ўхшамабди" деган иддаони эшитиш чин актёр учун инқироз. Бу нафақат инсондаги ўзига бўлган ишончни, балки мухлислар ишончини ҳам сўндиради. Ана шундан Яратганнинг ўзи асрасин.

**— Актёрнинг эл-юрт эътиборига тушишида режиссёрнинг ўрни қандай?**

— Назаримда, режиссёр театрнинг мавқеини белгиловчи инсон. У ҳар бир актёрнинг дардини англаши, имкониятларини баҳолай олиши керак. Мен Баҳодир акада ана шундай салоҳиятни кўраман ва қадрлайман.

**— Сиз, ўн йилдирки, Чечани дублёрсиз ўйнаб келаяпсиз. Бу катта ишонч, шу билан бирга масъулият ҳам. Сиз театр саҳнасида яна қандай образларни яратишни хоҳлардингиз?**

— Орзуга айб йўқ. Мен Тўмарис, Жанна д Арк сингари халқ қаҳрамонлари образини талқин қилгим келади.

Опа билан суҳбат давомида билдимки, у шукроналар тўла бугунни кузатиб, эртанинг умиди билан яшайди. Суҳбат давомида бирор марта турмушдан зорланганини эшитмадим. Театр зали, йўлаклар, ҳатто гримхонанинг совуқлиги ҳам, ёғингарчилик сабаб сарғайиб кетган деворлар ҳам опанинг кайфиятига таъсир қилмасди.

Ҳар тонг уйидан ишхонасига, кеч эса ишхонадан уйига ошиқиб келган одам энг бахтлидир, деган экан донишмандлардан бири. Мен Ўзбекистон халқ артисти Азизахоним Бегматованинг сўзларидан, қарашларидан ва хатти-ҳаракатларидан бахтиёрлик ифорини туйгандай бўлдим.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Зиданни майдондан четлатган ҳакам



Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси аргентиналик Орасио Элисондони (IFFHS) 2006 йилнинг энг яхши ҳаками, деб топди.

Бу ҳакам номини миллонлаб футбол мухлислари яхши билишади. У кўпчиликнинг севимли футболчисига айланган Зайниддин Зиданни жаҳон чемпионати финалида италиялик Марко Матерацциға кўполлик қилганлиги учун майдондан четлатган эди.

Бугунгача IFFHS томонидан икки нафаргина Жанубий Америка қитъаси вакили йилнинг энг яхши ҳаками, деб қайд этилган.

2006 йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатининг иккинчи поғонасидан словакиялик Любош Михел, учинчи поғонасидан эса германиялик Маркус Мерк жой олди.

## Марчелло Липпи иш қидирмоқда



Германияда бўлиб ўтган мундиалда Италияни чемпионлик шоҳсупасига олиб чиққан тажрибали мураббий Марчелло Липпи ҳозир ишсиз юрибди, деса кўпчилик ишонмас.

Ҳақиқатан ҳам шундай. У Tuttosport нашрига берган интервьюсида ўзига мос келадиган клублардан таклиф тушмагунча кутиб туришини айтган.

«Менга бир неча хориж жамоаларидан таклиф тушди, лекин ҳаммасига рад жавобини бердим, дейди тажрибали мураббий. Агар, менинг шартларим ва талабларимга мос келадиган жамоа топилмаса, навбатдаги мавсумда ҳам ишсиз ўтиришга мажбур бўламан».

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**












*Спортга эътибор — миллат саломатлиги, жисмонан етуклигига эътибор сифатида қаралаётгани боис, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам маҳобатли спорт мажмуалари қад ростлаётир.*

# Фарзандлар соғлом бўлса...

Бўз тумани марказидаги спорт мактаби, Булоқбошидаги айнан шундай даргоҳ, куни-кеча ўз эшикларини болаларга очган Балиқчидаги мажмуа, айтиш мумкинки, вилоят ёшларига аталган муносиб туҳфалардир.

Барчани қувонтириб, ёшларнинг қалбини фахру ифтихор туйғуларига тўлдираётган ана шу иншоотларнинг кўпи республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан барпо этилаётир. Чунончи, кейинги йилларда биргина Андижоннинг ўзида кўриниши жиҳатдан бир-бирини такрорламайдиган 12 та янги спорт мажмуаси қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Тўққизтаси эса мукаммал таъмирдан чиқарилди. Кенг қамровли бунёдкорлик ишларига 1 миллиард 600 миллион сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Жамғарма ҳар жиҳатдан қулай ва мукаммал иншоотлар бунёд этишдан ташқари, уларни энг замонавий спорт анжомлари билан таъминлашга ҳам эътибор қаратаётир.

— Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, унинг оммавийлигига эришиш мақсадида, — дея ҳикоя қилади Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Икромжон Валиев, — ўқув даргоҳларида билим олаётган, ижтимоий ҳимояга зарурат сезаётган оилаларнинг 2100 нафардан ортиқ фарзандига 110 миллион сўмлик кийим-кечаклар олиб берилди.

Вилоятнинг кунчиқар қисмида жойлашган Қорасув шаҳрида ҳам спорт ихлосмандлари учун замонавий мажмуа қад ростлади. Бу мақсадлар учун жамғарма 228 миллион сўм маблағ йўналтирди. Мини-футбол ишқибозлари, баскетболга қизиқувчилар, волейбол ихлосмандлари учун махсус заллар мажмуадан ўрин олган.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бош мутахассис Хайрулла Абдурасуловга падари бузруквори

**БЕРКИН** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича биринчи проректори, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Мавруловга, унинг оила аъзолари ва яқинларига падари бузруквори

**АБДУЛХАЙ** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Патологик физиология кафедрасининг профессори

**Мардон Муҳаммедович ҲАҚБЕРДИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзорлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти жамоаси нашриётнинг собиқ директори

**Ҳакимжон Эгамбердиевич ПИРМУҲАМЕДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5